Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 12 август, № 163 (9334) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

НЕФТЬ-ГАЗ БОЗОРИДА БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 август куни нефть-газ бозорида барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига углеводород ресурсларини узлуксиз етказиб бериш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда саноат қувватлари кенгайиб, аҳоли эҳтиёжлари ортиб бораётгани табиий газ ва нефть маҳсулотларига талабни оширмоқда. Бундай шароитда ички бозорни зарур ресурслар билан барқарор таъминлаш, мавсумий эҳтиёжларни олдиндан ҳисобга олиш ва нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Тақдимотда нефть ва газ қазиб чиқариш, импорт қилиш, қайта ишлаш, захиралаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш ҳолати кўриб чиқилди. Тармоқлар ва ҳудудлар эҳтиёжини аниқ ҳисоб-китоб қилиш, ички талабни устувор таъминлаш ва етказиб бериш жадвалларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидланди.

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятида табиий газ қазиб чиқариш суръатларини барқарор сақлаш, мавжуд конлар имкониятидан самарали фойдаланиш ва янги қудуқларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Август ойида 27 та қудуқни ишга тушириш режалаштирилган. “Янги Култак”, “Ниёз”, “Қоратау”, “Марварид” ва “Тегирмон” конларидаги ишлар ҳисобига қўшимча 887 минг куб метр табиий газ қазиб чиқариш имконияти яратилади.

Қудуқларни бурғилашдан тортиб, уларни газ узатиш тармоғига улашгача бўлган жараёнларни кунлик назоратга олиш, электр таъминоти ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан бир маромда таъминлаш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш ҳамда ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Углеводород ресурсларини ҳудудларга ўз вақтида ва етарли ҳажмда етказиб бериш, зарур захираларни олдиндан шакллантириш ҳамда ишлаб чиқарувчи, ташувчи ва сотувчи корхоналар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Нархлар барқарорлигини сақлаш учун бозорда етарли таклифни таъминлаш, маҳсулотларни биржа савдоларига талабдан келиб чиқиб чиқариш, ишлаб чиқариш ва логистика харажатларини қисқартириш муҳимлиги таъкидланди. Ресурсларни асоссиз ушлаб туриш, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва нархларни оширишга қаратилган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатиш топширилди.

Ички бозорда талаб ва таклиф мувозанатини сақлаш, углеводород ресурслари таъминотида узилишларга ҳамда нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик мақсадида “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятига нефть ва газ қазиб чиқариш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини сўзсиз таъминлаш вазифаси қўйилди. Суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини йил якунига қадар режадаги 520 минг тонна ўрнига 606 минг тоннага етказиш топширилди.

Мутасаддиларга ички бозор эҳтиёжини кунлик таҳлил қилиб бориш, таъминот билан боғлиқ хавфларни олдиндан аниқлаш ва зарур чораларни ўз вақтида кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎзА.

СОҒЛОМ МИЛЛАТ – КУЧЛИ ДАВЛАТ, ФАРОВОН ЖАМИЯТ ДЕМАК

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Босиб ўтилган тарихий йўлга энг муҳим ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш тизими нуқтаи назаридан назар ташлар эканмиз, миллат саломатлиги давлат хавфсизлиги ҳамда иқтисодий барқарорликнинг бош кафолати эканига яна бир бор амин бўламиз.

Охирги ўн йилликда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган инқилобий ислоҳотлар натижасида соҳада “Инсон қадри учун” тамойили тўлиқ қарор топди. Тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва юқори технологияли тиббиётни ривожлантириш йўлида асрларга татигулик ислоҳотлар амалга оширилди. Бугунги ўзбек тиббиёти нафақат касалликни даволайдиган, балки тиббий туризм марказига айланаётган, мураккаб трансплантация амалиётларини ўз ҳудудимизда муваффақиятли ўтказаётган юқори технологик тизимга айланди. Зеро, миллат соғлом бўлса — давлат кучли, жамият эса фаровон бўлади.



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар





Халққа яқинлашув сиёсати

Кейинги йилларда “Биз соғлиқни сақлашга сарфлаётган маблағни харажат эмас, балки инсон капиталига киритилаётган энг оқилона инвестиция деб билишимиз керак”, деган ғоя соҳадаги ислоҳотлар пойдевори бўлди. Шу нуқтаи назардан, тиббиётни “шифохонадан — маҳаллага ва хонадонга” кўчириш бўйича мутлақо янги тизим яратилди.

ҚВПлар ўрнига замонавий Оилавий шифокор пунктлари ва Оилавий поликлиникалар ташкил этилди. Ҳар бир маҳаллада аҳоли саломатлик кўрсаткичлари бўйича 4 та хавф гуруҳига бўлинди. Йилига миллионлаб фуқаролар маҳалланинг ўзида бепул скрининг ва тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

4

ТАФАККУР ВА ТАРИХ ТУТАШГАН НУҚТА

Публицистик асарлар ҳам худди одамлар каби турлича тақдирларга эга бўлади. Айримлари ўқилади ва эсдан чиқади, баъзилари эса маълум бир даврнинг ҳужжати бўлиб қолади. Яна шундай китоблар борки, уларни ўқиётганда муаллиф билан эмас, ўзингиз билан суҳбатлашаётгандек бўласиз: кечаги кунни эслайсиз, бугунни баҳолайсиз ва эртанги кун ҳақида ўйлайсиз.

Мутолаа



Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “МИЛЛАТ ШАВКАТИ” китоби ана шундай мутолаага ундайдиган асарлар сирасига киради. Китобда турли вақтларда, турли воқеалар муносабати билан ёзилган битикларда ўзаро ички муштараклик — тафаккур изчиллиги, даврга берилган бир неча қиррали баҳо ҳамда тарихий жараёнга турли нуқталардан қараш имконияти яққол кўринади.

Шу маънода, асарни муайян йиллар давомида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг публицистик солномаси, деб аташ мумкин. Бироқ бу солнома қуруқ рақамлар, саналар ва воқеалардан иборат эмас. Унда инсон бор. Унда миллат тақдири мужассам. Сатрлар қатида тарихий хотиралар жонланади. Энг муҳими, ўзгаришларнинг инсон онги ҳамда руҳиятидаги акс садоси тасвирланади.

Ўзгаришни кўриш ва уни англаш — бошқа-бошқа нарсалар аслида. Бугун янгиликка кўникиш ниҳоятда тезлашган даврда яшаяпмиз. Кечаги ғайриоддий воқеа бугун оддий ҳолдек қабул қилинади. Кеча биз учун тасаввур этиш қийин бўлган бинолар, йўллар, шаҳарлар, технологиялар, халқаро муносабатлар бугун ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурмоқда. Китобнинг туб моҳияти ва аҳамияти ҳам, назаримизда, ана шу нуқтада намоён бўлади.

Муаллиф бизга “Ўзгаришлар бўляпти” дейиш билан чекланмайди, “Бу ўзгаришларни қандай англаяпмиз?” деган саволни ўртага қўяди. Бу икки ёндашув орасида катта тафовут бор. Чунки биноларни, йўлларни, янгидан-янги шаҳарлар, корхоналар, мактаблар ҳамда замонавий инфратузилмани кўриш мумкин. Лекин одам тафаккуридаги ўзгаришни кўриш учун кузатувчанлик керак. Жамият руҳиятидаги ўзгаришни англаш учун эса янада каттароқ мушоҳада ва салоҳият талаб этилади.

Қудратилла Рафиқов публицистикасининг ўзига хослиги шундаки, у воқеанинг ташқи кўриниши ортидан унинг маънавий ва руҳий моҳиятини излайди. Масалан, шаҳарсозлик ҳақида гапирар экан, масалани фақат бино ҳамда иншоотлар билан чекламайди.

4

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Энергетика соҳасини иқтисодиётнинг қон томирига менгзашади. Чуқурроқ мушоҳада қилинса, аслида ҳам шундай. Танамиздаги томирларимиз вужудимизнинг ҳар бир аъзосига қандай ҳаёт бағишласа, энергия ҳам мамлакат тараққиётининг барча йўналишини ҳаракатга келтиришда шу каби муҳим вазифани бажаради. Завод ва фабрикаларнинг узлуксиз ишлаши, тадбиркорлик ривожи, аҳоли хонадонларидаги фаровонлик, янги лойиҳаларнинг амалга ошиши — барчаси ишончли ва барқарор энергетика тизимига чамбарчас боғлиқ.

Акс садо

Сўнгги йилларда мамлакатимизда энергетика соҳасида катта ўзгаришлар қилинаётган бўлса-да, жадал ривожланаётган иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларининг ортиб бориши соҳани янада такомиллаштириш бўйича янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Энди масала фақат электр ва газ ишлаб чиқаришда эмас, балки уни истеъмолчига сифатли, узлуксиз ва самарали етказиб беришдадир.

Президентимизга энергетика тармоғи олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берилгани ҳам соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади. Бу жараёнда асосий эътибор муаммолар оқибатини бартараф этишга эмас, балки уларнинг олдини олиш, тизимли ечимлар ишлаб чиқиш ва соҳада самарали бошқарувни йўлга қўйишга қаратилмоқда.

2

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ



Сўнгги йилларда мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор тараққиётига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сенат қўмитасида

Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланиб, қишлоқ хўжалигида барқарор ишлаб чиқариш тизими шакллантирилмоқда, шунингдек, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифага айланмоқда.

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги” доирасида ўтказилган “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор аграр тараққиёт: устувор вазифалар ва истиқболлар” мавзуидаги семинарда ҳам айнан шу масалалар муҳокама қилинди.

Айтилганидек, глобал иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг танқислиги, ерларнинг деградацияга учраши, аҳоли сонининг ўсиши ва озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ортиши аграр соҳани янги ёндашувлар асосида ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Семинарда озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлиги, ижтимоий ҳимоя ва экологик хавфсизликнинг муҳим омили сифатида алоҳида аҳамиятга эгалиги қайд қилинди. Шунингдек, аҳолини сифатли ҳамда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, соҳада мавжуд муаммоларни муҳокама этиш ва уларнинг ечими бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАЁТИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАШАББУСЛАР АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда айрим қонун ҳужжатларидаги тушунча ва юридик атамаларни бирхиллаштиришга, миграция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга, наркотиклар, кучли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини, шунингдек, гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш йўналишини тартибга солишга, фуқароларни яшаш манзили ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.



Қонун ҳужжатларидаги айрим атамаларнинг қўлланиши такомиллаштирилмоқда

Мажлисда дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатларини содда ва тушунарли тилда тайёрлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мазкур жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида қонунчилик ҳужжатларида фойдаланилган айрим атамаларни ягона шаклда қўллашни назарда тутувчи ўзгартиришларни киритиш таклиф этилмоқда. Хусусан, “аванс” сўзини “бўнак”, “маркировка”ни “тамғалаш”, “маршрут”ни “йўналишли”, “светофор”ни “йўлчирок”, “парол”ни “ўрон”, “прогрессив” сўзини эса “илғор” деб ўзгартириш назарда тутиляпти.

3

35 YIL

MUSTAQIL O‘ZBEKISTON TARAQQIYOT YO‘LI:
ISLOHOTLAR, NATIJALAR VA ISTIQBOLLAR

ОЧИҚ МУҲОКАМА УЧУН МУҲИМ МАЙДОН

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллигини мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган чуқур янгиланишлар, давлат ва жамият бошқарувидаги сифат ўзгаришлари, инсон қадрини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар билан кутиб олмоқда. Айниқса, сўнгги ўн йилликда Президентимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистон ғояси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ўзгаришлар мамлакат тараққиётининг юксалиш босқичини белгилаб берди.

Мазкур жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шаъни, қадр-қиммати ва фаровонлигини таъминлаш давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. “Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида давлат институтларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини кучайтириш, жамият билан очиқ мулоқотни кенгайтириш, қонун устуворлиги ҳамда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган янги ёндашувлар қарор топмоқда.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 12 август

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

1 Энергия таъминоти ҳақида гап кетганда, ҳар бир ҳудуднинг ҳақиқий ҳолатини инобатга олмасдан илож йўқ. Очиғи, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир тумани ва маҳалласидаги вазият бир хил барқарор эмас. Қайсидир ҳудудда тармоқларни янгилаш зарур бўлса, бошқа жойда қувват етишмаслиги ёки истеъмол ўсиши билан боғлиқ масалалар бор. Шу маънода, соҳада туманбай ва маҳаллабай ишлаш тизимининг жорий этилиши муаммога аниқ ечим билан ёндашиш имконини беради.

Бу ёндашув энергетика йўналишида қарашлар ўзгараётганини кўрсатади. Энди бор эътибор фақат рақамларни йиғишга эмас, балки улар ортида турган муаммоларни аниқлашга қаратилмоқда. Ҳар бир узилиш, қувват танқислиги ёки техник носозликнинг сабаблари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш учун аниқ ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Янгийўл туманида йўлга қўйилган тажриба ана шу янги ёндашувнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир. Бунда инсонларнинг реал эҳтиёжлари инобатга олиняпти. Аҳоли ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни жойида ўрганиш ва тезкор ечим топиш бошқарувнинг янги усулига айланмоқда.



Энди муаммонинг юқори ташкилотларга етиб келишини кутиб ўтирадиган давр эмаслигини вазиятнинг ўзи кўрсатмоқда. Боиси, масалани илк пайдо бўлган нуқтасида аниқлаш ва бартараф этиш кейинги самарали одимнинг пойдевори ҳисобланади. Бундай ҳаракат натижасида давлат идоралари билан фуқаролар ўртасидаги масофа қисқариб, бошқарув жараёни янада очиқ, тезкор ва шаффоф бўлади.

Айни пайтда барчамиз рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологиялари даврида яшаяпмиз. Очиғи, бу технологияларнинг имкониятлари шу қадар кенгки, ундан оқилона фойдаланилса, барча соҳаларда, хусусан, энергетика соҳасида ҳам катта ютуқларга эришиш мумкин. Зеро, замонавий технологияларга таяниб иш олиб борилса, энергия истеъмолини назорат қилиш, йўқотишларни камайтириш ва кутилмаган носозликларнинг олдини олиш имкониятлари чандон ошади.

Яна бир гап. Соҳада ислоҳотларни амалга оширишда юзаки, пала-партишлик билан ёндашув муаммоларни фақат кенгайтиради. Негаки, ушбу тармоқ бутун мамлакат тараққиётини белгилаб берадиган стратегик йўналишлардан саналади. Унда битта нотўғри қарор ёки ноўрин хатти-ҳаракат бутун тизимни ишдан чиқариши ёки мамлакат иқтисодиётига сезиларли таъсир қилиши мумкин. Чунки ишлаб чиқаришдан тортиб хизматлар соҳасигача, аҳоли фаровонлигидан то янги инвестиция лойиҳаларигача бўлган кўплаб жараёнлар барқарор ва ишончли энергия таъминотига узвий боғлиқ. Шу боис бугун тизимдаги ўзгаришлар фақат қувватни ошириш ёки янги объектлар барпо этиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Асосий вазифа соҳани замонавий бошқарув тамойиллари асосида ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва ҳар бир жараённи аниқ таҳлил қилиб боришдир.

Энергия дейилганда фақатгина электр таъминоти тушунилиши хато. Чунки қозонларимизни қайнатадиган, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолининг роҳати жони бўлган суюлтирилган газ бугунги кунда жиддий масала эканини кўпчилигимиз яхши биламиз. Айниқса, қишнинг изғиринли кунларида унинг қадри бўлакча. Тақдимотда масаланинг шу жиҳати ҳам тилга олиниб, табиий газ етиб бормайдиган ҳудудларни мавсумга тайёрлаш, суюлтирилган газ етказиб бериш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш бўйича вазифалар ҳам тақсимланди.

Бу жараёнга хусусий секторни кенг жалб қилиш, таъминот занжирини яхшилаш билан бирга, ҳолатни доимий кузатиб бориш зарурлиги айтилди. Чунки бугун энергетика соҳасида энг асосий талаб муаммони юзага келгандан кейин ҳал қилиш эмас, балки уни олдиндан кўра билиш ҳамда зарур чораларни ўз вақтида кўришдир. Шу маънода, тизимга сунъий интеллект технологияларини босқичма-босқич жалб этиш сув ва ҳаводек зарур.

Энергетика соҳасидаги бугунги ислоҳотлар мамлакатимизнинг эртанги тараққиётига қаратилган муҳим қадамдир. Чунки барқарор энергия таъминоти фақат ёруғлик ва иссиқлик эмас, балки иқтисодиёт ўсиши, янги имкониятлар ҳамда аҳоли фаровонлигининг асоси ҳисобланади. Шу боис соҳада рақамлаштириш, замонавий технологиялар ва оқилона бошқарув тамойилларини кенг жорий этиш давр талабидир.

Шавкат ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҲАРБИЙЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси кун тартибидан давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, мудофаа ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада кучайтириш борасидаги қатор қонунлар муҳокамаси ўрин олди. Улар орасида фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ қонунларда ногиронлиги бўлган шахслар ва ҳарбий хизматчиларнинг манфаатлари қамраб олинган. Айни мавзуда сенаторларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Муносабат

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:



— Мамлакатимизда пенсия тайинлаш тартибини соддалаштириш, соҳани рақамлаштириш орқали ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, пенсия таъминоти тизимида давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муҳокама қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун ушбу соҳадаги навбатдаги ислоҳотларнинг бири ҳисобланади. Хусусан, ушбу қонун билан фуқарога I ёки II гуруҳ ногиронлиги учун пенсия унинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинланиши тартиби жорий қилинмоқда. Бунда ногиронлик гуруҳи белгиланган шахсга пенсия тайинлаш учун зарур маълумотлар, хусусан, меҳнат стажи, иш ҳақи, ўқиш даври, оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар давлат идоралари ва ташкилотларнинг ахборот тизимларидан электрон маълумот алмашинуви асосида олинади.

Статистик рақамларга қарайдиган бўлсак, ушбу ўзгартириш натижасида бир йилда ўртача 52 мингга яқин фуқароларнинг Пенсия жамғармаси ва Давлат хизматлари марказига келиб ариза беришга ёки электрон мурожаат қилишга сарфланадиган вақти ҳамда маблағи тежалади.

Шунингдек, ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин ушбу фуқаро камида бир йил иш стажига эга бўлса, ахборот тизимларидан олинган унинг иш стажи ва иш ҳақини инобатга олган ҳолда пенсияни ҳар икки йилда бир маротаба фуқаронинг мурожаатини кутмасдан проактив шаклда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳам йўлга қўйилади. Бу эса йилига 8 мингга яқин фуқароларнинг пенсиясини қайта ҳисоблатишига барҳам беради.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири, пенсиядан чегирма қилинганидан сўнг фуқарога тўланадиган пенсия миқдори энг кам истеъмол харажатлари даражасидан кам бўлмаслиги белгиланмоқда. Яъни эндиликда чегирмадан кейин фуқарога тўланадиган пенсия миқдори 715 000 сўмдан оз бўлиши мумкин эмас. Мазкур таклиф амалиётга жорий этилиши билан ҳар йили ўртача 45 мингга яқин пенсия олувчилар пенсияларидан чегирма қилинганда ҳам энг кам истеъмол харажатлари миқдорида пенсия олади.

Ушбу қонуннинг амалга татбиқ этилиши натижасида фуқароларга ногиронлик пенсиясини тайинлаш тартиби соддалаштирилиб, уларга ушбу соҳада кўрсатилаётган давлат хизматлари сифати янада ошади.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:



— Фуқароларнинг пенсия таъминоти билан боғлиқ янги ўзгаришлардан яна бири “Ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) ва улар оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ялпи мажлис муҳокамаларига қўйилгани бўлди.

Сўнгги йилларда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раҳбарлигида мамлакатимизда Қуролли Кучларни модернизация қилиш, ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляпти.

Ушбу қонун юртимизда ҳарбий соҳани ривожлантириш йўлидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Чунки Ватан тинчлиги ва халқимиз хавфсизлиги учун хизмат қилаётган инсон ўзининг эртанги кунига ишонч билан яшаши, унинг оиласи эса давлат ҳимоясида эканини ҳис этиши жуда муҳим.

Шу пайтга қадар мазкур соҳадаги муносабатлар, асосан, 1990 йилда қабул қилинган собиқ иттифоқнинг “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни ҳамда 1992 йилда имзоланган МДҲ давлатлари ўртасидаги битим асосида тартибга солиб келинаётган эди. Табиийки, мустақил давлат сифатида бугунги ислоҳотларимиз, янги таҳрирдаги Конституциямиз ва замонавий ҳуқуқий тизимимиз талабларига мос равишда ҳарбий хизматчилар ҳамда оила аъзоларининг пенсия таъминотини миллий қонун асосида тартибга солиш зарурати юзага келди.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади ҳарбий хизматчиларнинг, ходимларнинг ҳамда улар оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти бўйича муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Аввало, қонунда давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга шахслар таркиби ва пенсия тайинлашнинг аниқ ҳамда ягона тартиби белгиланмоқда. Шу билан бирга, хизмат йиллари учун пенсия, ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсияси, уларни ҳисоблаш, тайинлаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиби биринчи марта ягона қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Қонун билан узоқ йиллар хизмат бурчини ҳалол бажарган ҳарбий хизматчиларни янада муносиб рағбатлантириш ҳам назарда тутилган. Хусусан, календарь ҳисобида 30 йилдан ортиқ хизмат қилганлар учун пенсияни ҳисоблашнинг энг юқори миқдори амалдаги 75 фоиздан 100 фоизгача оширилмоқда. Шунингдек, пенсияни ҳисоблашда қўлланиладиган ҳисоблаш базаси ҳам 10 бараваридан 12 бараваргача кўтарилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қонун фақат келгусида пенсияга чиқадиган шахсларга эмас, балки бугунги кунда календарь ҳисобида 30 йил ва ундан ортиқ хизмат қилиб пенсия олаётган ҳарбий хизматчилар ва ходимларга ҳам татбиқ этилади.

Демак, юқорида сўз юритилган иккала қонун ҳам нафақат пенсия таъминотига оид муносабатларни тартибга солади, балки ижтимоий давлатнинг ногиронлиги бўлган ўз фуқаролари ҳамда Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларига ғамхўрлигининг яна бир амалий ифодаси ҳисобланади.

Энг муҳими, ушбу қонунлар билан кўп йиллардан бери пенсия тайинлаш тизимида мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилади. Бир томондан, ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинлаш билан боғлиқ жараёнлар проактив шаклда, яъни шахснинг мурожаатини талаб қилмаган ҳолда амалга оширилса, иккинчи томондан, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларининг пенсия таъминоти мустақил Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги асосида ягона ва замонавий тартибга солинади. Бу эса пенсия тайинлаш ва тўлашда адолатли ҳамда шаффоф тизимни шакллантиришга, фуқароларнинг манфаатларини ишончли ҳимоялаб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ
(“Халқ сўзи”) тайёрлади.

ОЧИҚ МУҲОКАМА УЧУН МУҲИМ МАЙДОН

1 2023 йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция ана шу янгиланишларнинг мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини яратди. Асосий Қонунда парламент ваколатлари кенгайтирилиб, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг замонавий механизмлари мустаҳкамланди. Парламент, хусусан, Қонунчилик палатасида қизғин муҳокамалар асосида қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўляпти.

Бугун парламентнинг роли фақат қонун қабул қилиш билан чекланмайди. Қонун ижодкорлиги сифатини ошириш, парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан фойдаланиш, фуқаролар манфаатларини ифода этиш, ҳудудлар билан ишлаш, очиқлик ва жамият билан доимий мулоқот парламент фаолиятининг устувор йўналишларига айланмоқда.

Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар бугун халқаро ҳамжамият, хорижий парламентлар ва экспертлар доирасида ҳам катта қизиқиш уйғотаётир. Мамлакатнинг ички ислоҳотлар билан бир қаторда ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсати парламент дипломатияси учун ҳам янги имкониятлар яратди. Қонунчилик тажрибасини алмашиш, умумий минтақавий ва глобал чақириқларга биргаликда ечим излаш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, экологик ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш парламентлараро мулоқотнинг муҳим йўналишларига айланяпти.

Кейинги йилларда Ўзбекистон нуфузли халқаро анжуманлар, жумладан, дунё парламентарийларининг мулоқот майдонига айланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ўтган йил 5 — 9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзуида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси юқори савияда ўтказилган эди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Тошкент яна бир бор нуфузли халқаро анжуманга мезбонлик қилади. Жорий йил 14 август куни пойтахтимизда “Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли: ислоҳотлар, натижалар ва истиқболлар” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиши режалаштирилган. Анжуман Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ташаббуси билан Адлия вазирлиги, Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Конференцияда Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон ва Туркия парламентлари аъзолари, шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, экспертлар ҳамжамияти ва илмий доиралар вакилларининг иштирок этиши кутилмоқда. Турли мамлакатлар парламентлари ва халқаро тузилмалар вакилларининг Тошкентда бир майдонда жам бўлиши Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги тараққиёт тажрибасига халқаро қизиқишнинг амалий ифодаси сифатида аҳамиятлидир.

Анжуман доирасида конституциявий модернизация, парламентаризмни ривожлантириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, давлат бошқарувини инсон манфаатларига хизмат қилиш тамойили асосида янада ривожлантириш, иқтисодий трансформация, инсон капитали, экологик барқарорлик ҳамда парламентлараро ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш кўзда тутилган. Ялпи мажлис ва тематик шуъбаларда билдириладиган фикрлар, таклифлар ва тавсиялар “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги келгуси устувор вазифаларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Улуғбек ШЕРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:



— Бугун мамлакатимизда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида белгиланган устувор вазифалар изчил амалга оширилиши баробарида, халқаро мулоқотни кенгайтириш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли давлатлар парламентлари, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг Тошкентда бир майдонда жам бўлиши мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан халқаро қизиқиш ва ишончнинг ортиб бораётганини кўрсатади. Бу мулоқот Ўзбекистоннинг демократик тараққиёт тажрибасини кенг жамоатчиликка танитиш, парламентлараро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тошкентдаги халқаро конференция Янги Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, натижалари ҳамда истиқболларини халқаро парламент ва экспертлар ҳамжамияти билан очиқ муҳокама этишга хизмат қиладиган муҳим майдон бўлиши кутилмоқда.

Конференция якунида мамлакатлар тараққиёти йўлида парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган мулоқотни мустаҳкамлаш, қонунчилик тажрибаси алмашинувини кенгайтириш ҳамда қўшма ташаббусларни илгари суришга қаратилган Тошкент декларацияси қабул қилиниши режалаштирилмоқда.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ



1 Иштирокчилар аҳоли даромадлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, маҳсулотлар сифати, хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ҳамда ташиш жараёнларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида сув танқислиги ва иқлим ўзгариши таъсирига мослашиш бўйича чораларни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент, маҳаллий Кенгашлар, жамоатчиликнинг иштироки муҳимлигидан келиб чиқиб, белгиланган кўрсаткичларнинг ҳудудлар кесимида ижросини ҳар йили таҳлилдан ўтказиб бориш, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича мавжуд муаммоларни ўрганишга фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот муассасалари, фермерлар ва жамоатчиликни кенг жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбир якунида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ер ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқлим ўзгаришининг аграр соҳага таъсирини камайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш, хавфсизлиги ҳамда сифат назоратини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУНГА ТАЯНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси рақамлаштириш устуворлигига эришган ҳолда экспорт-импорт тизимининг тадбиркорлар учун шаффоф бўлишига астойдил интилмоқда. Бирорта мурожаат йўққи, эътибордан четда бўлсин. Ўз навбатида, қўмита экспертлари Жаҳон савдо ташкилоти талабларини назарда тутган ҳолда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги қонунни тайёрлаш борасида парламент қўмиталари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

Мулоқот

Бу ҳақда қўмита раиси Азизбек Уруновнинг мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, экспортчилар ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги очиқ мулоқотида маълум қилинди.

Тадбирда республикамизнинг турли ҳудудларидан 300 нафардан ортиқ тадбиркорлар иштирок этди.

— Президентимизнинг шу йил 12 майдаги тегишли фармони билан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқий асос яратилиб, мутлақо янги давлат бошқаруви тизими жорий этилди, — деди Азизбек Урунов. — Бундан мақсад — санитария-эпидемиология, ветеринария ва ўсимликлар карантини соҳаларида ягона давлат назоратини йўлга қўйиш.

Тез орада юртимиздаги барча озиқ-овқат бизнеси операторларининг ягона электрон реестри шакллантирилиб, улар хавф даражасига қараб “паст”, “ўрта” ва “юқори” тоифаларга ажратилади. Шунингдек, фитосанитария, ветеринария ва санитария соҳаларидаги ахборот тизимлари негизида “Foodsafe.uz” ягона электрон платформаси ишга туширилмоқда.

Учрашувда давлат хизматларини кўрсатиш муддатларини қисқартириш бўйича ҳам чоралар кўрилаётгани ҳақида маълум қилинди. Жумладан, хавфи паст фитосанитария маҳсулотларини текшириш муддати 3 кундан 1 кунга, ветеринария соҳасида импорт текширувлари 18 кундан 10 кунга, хорижий экспортчиларни реестрга киритиш 250 кундан 60 кунга қисқартирилади. Экспорт учун ветеринария рухсатномасини бериш муддати 2 кундан 1 кунга, лицензияларни расмийлаштириш эса 10 кундан 5 кунга туширилади. Натижада маҳсулотларни омборларда ортиқча сақлаш билан боғлиқ йиллик 92 млрд. сўм пул тадбиркорларнинг ўзида қолади.

Қўмита ҳузурида Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги масалалари бўйича Маслаҳат кенгаши ҳам ташкил этилаётгани айтилди. Кенгаш соҳадаги тизимли муаммоларни муҳокама қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда давлат органлари билан бизнес ўртасида доимий мулоқот майдонини шакллантиришга хизмат қилади.

Анжуманда қўмита раиси тадбиркорларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди, айрим муаммоларни ёзиб олди. Тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи уюшма вакиллари билан алоҳида учрашиш вақтлари ҳам белгиланди. Ва айни чоғда давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, шу йилнинг ўзида мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 4,5 млрд. АҚШ долларига етказиш белгилангани, бу борада қўмита зиммасига катта масъулият юкланганига ҳам урғу берилди.

Айтилишича, шу йилнинг дастлабки олти ойида Ўзбекистон дунёнинг 85 та давлатига 1,47 млрд. долларлик мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилган. Асосий бозор — Хитой, МДҲ, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатлари. Шунингдек, жорий йилда Панама, Сенегал, Швейцария, Словения, Дания, Гана, Янги Зеландия ва Ирландия каби янги бозорлар ҳам ўзлаштирилди. Айни пайтда юртимиздан 107 турдаги мева-сабзавот ва 327 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ташқи бозорларга етказиб берилмоқда.

— Биз келгусида муаммо ва камчиликларга барҳам берадиган мана шундай суҳбатларни ҳар бир вилоятда ташкил этамиз. Фақат давлатимиз раҳбари талаб қилаётганидек Ватанимиз тараққиёти йўлида янада жонкуяр, ташаббускор бўлсангиз бас, — деди тадбир сўнгида қўмита раиси.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(“Халқ сўзи”).

2030 йилга қадар сунъий интеллектга тайёрлик бўйича халқаро рейтингда Ўзбекистонни дунёдаги энг илғор 50 та давлат қаторига киритиш мақсад қилинган.

ҲАЁТИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАШАББУСЛАР АСОСИ



1 Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун ҳужжатларидаги тушунча ва юридик атамаларни бирхиллаштиришга ҳисса қўшади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Лойиҳа масъул қўмитага нега қайтарилди?

“Миграция соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси билан яшаш манзили ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишга оид атама ва тушунчалар барча қонун ҳужжатларида бирхиллаштирилмоқда. Жумладан, амалдаги қатор кодекс ва қонунлардаги “доимий яшаш жойи”, “вақтинча турган жойи” каби тушунчалар тегишли тарзда “яшаш жойи” ва “турган жойи” тушунчаларига алмаштирилмоқда.

Шунингдек, туризм ва хизматлар соҳасининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш ҳамда яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш мақсадида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни меҳмонхоналар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва зоналари, санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат тасарруфидаги ва хусусий клиникалар, шифохоналар, касалхоналарда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг масъулият ва жавобгарлигини оширишга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳасининг 223-моддаси депутатлар ўртасида жиддий эътироз ва қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Хусусан, халқ вакиллари мазкур моддада назарда тутилган айрим маъмурий жавобгарлик чораларига алоҳида эътибор қаратиб, улар юзасидан қатор савол ва мулоҳазаларни илгари суришди. Кўтарилган масалалар юзасидан қонун ташаббускорлари ҳамда ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов атрофлича тушунтиришлар берди.

Депутатлар лойиҳадаги айрим моддаларни қайта кўриб чиқиш, уларни мазмунан ва ҳуқуқий жиҳатдан янада пухта ишлаш зарурлигини таъкидлаб, ҳужжат матнини такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим таклифларни илгари сурди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси масъул қўмита томонидан такомиллаштириладиган бўлди.

Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласи устидан назорат кучайтирилади

Депутатлар томонидан “Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжат билан наркотиклар, кучли таъсир этувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини, шунингдек, гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасини комплекс тартибга солиш назарда тутилмоқда.


Шунингдек, қўлланилаётган “наркотиклар”, “наркожиноят”, “нарковазият”, “гиёҳвандликка қарши курашиш”, “наркожиноятларга қарши курашиш”, “ғайриқонуний нарколаборатория” каби тушунчаларга ҳуқуқий таърифлар бериш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасида наркотиклар, кучли таъсирга эга моддалар ва прекурсорлар муомаласини назорат қилиш ҳамда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш йўналишида давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда. Жумладан, бу идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Наркотиклар устидан назорат қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилиши белгиланяпти.

Ҳужжат билан наркожиноятларнинг янги, айниқса, интернет тармоғидаги усулларига қарши курашиш, ноқонуний нарколабораторияларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи каналларини бартараф этиш бўйича тезкор-қидирув ва бошқа чораларни амалга ошириш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотларига аниқ вазифалар ҳам белгиланмоқда.

Шу билан бирга, наркотиклар ва кучли таъсир этувчи моддалар муомаласини назорат қилиш билан бир қаторда профилактика йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, масъул давлат органлари ва ташкилотларига аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантиришга, таълим муассасаларида наркотиклар тарқалишининг олдини олишга, наркологик ёрдам, профилактика, диагностика, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар юклатилмоқда.

Дилдора КАМАЛОВА,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:



— Мазкур қонун лойиҳасида наркожиноятларга қарши курашишда замонавий технологиялар ва илмий ёндашувлардан фойдаланишни рағбатлантириш, соҳадаги илмий, амалий ва технологик тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, наркожиноятлар ҳақида хабар берган ёки уларга қарши курашишга кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг шахсига доир маълумотлар сир сақланишини кафолатлашга қаратилган нормалар ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Лойиҳани ишлаб чиқишда миллий қонунчилик билан бир қаторда, хорижий давлатларнинг соҳага оид тажрибаси ўрганилиб, улардаги мақбул механизмлар инобатга олинди. Унинг қабул қилиниши наркотиклар ва кучли таъсир этувчи моддалар муомаласини самарали тартибга солиш, гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлиги муҳофазаси ҳамда соҳада давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Фуқароларни яшаш манзили ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — фуқароларни яшаш манзили ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини эркин танлаш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини соддалаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, фуқароларни яшаш манзили ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишга доир ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим ҳуқуқий ноаниқликлар ҳамда амалдаги чекловларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда. Ушбу ҳужжат аҳолини яшаш манзили ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш жараёнларини янада соддалаштириш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини кенгроқ таъминлашга қаратилган.

Бу борада учта муҳим янгилик назарда тутилмоқда. Хусусан, оила аъзолари ва яқин қариндошлари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда уй-жой майдонининг ижтимоий нормасини қўллаш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинмоқда. Яъни эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, бувабуви ва неваралар, шунингдек, ака-ука ва опа-сингиллар бир-бирининг уй-жойига рўйхатдан ўтаётганда хонадон майдони белгиланган меъёрдан кам бўлса ҳам, бу ҳолат рўйхатдан ўтишга тўсиқ бўлмаслиги назарда тутиляпти. Бу эса оила аъзолари ва яқин қариндошларни бир манзилда рўйхатдан ўтказишни енгиллаштиришга хизмат қилади.

Лойиҳада талабалар тураржойларида истиқомат қилаётган талабаларга нисбатан алоҳида ҳуқуқий механизм қўлланилиб, уларни рўйхатдан ўтказишда уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси қўлланилмаслиги ҳам белгиланмоқда. Бу эса олий таълим муассасаларида талабаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ мавжуд амалий муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Шуҳрат ЁҚУБОВ,
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси:



— Бугунги кунда ипотека кредити ёки субсидия асосида уй сотиб олган кўплаб фуқаролар ўз уйида рўйхатдан ўтишда қийинчиликка дуч келмоқда. Бу эса уларга фарзандларини мактаб ёки боғчага жойлаштириш, поликлиникага бириктириш, пенсия ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишда муаммо туғдирмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, эндиликда мулкдор ва унинг яқин қариндошларини тақиқ ёки хатлов қўйилган тураржойда рўйхатдан ўтказишда гаровга олиш, тақиқ қўйиш ёки бекор қилишга ваколатли органлар (банк, суд, МИБ)нинг розилиги талаб этилмайди. Бу тартиб, аввало, уй-жой мулкдори ва унинг оила аъзоларининг ўз уйида қонуний рўйхатдан ўтишига имконият яратади.

Айни вақтда гаровга олувчи ва давлат органларининг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида рўйхатдан ўтказилаётган шахснинг олдиндан ёзма розилиги институти жорий этилмоқда. Ушбу механизмга кўра, гаровга олувчи ёки тақиқ (хатлов) қўйган ваколатли органнинг мурожаатига асосан унинг рўйхатдан ўтказилганлиги бекор қилиниши мумкин бўлади. Мазкур ҳуқуқий ечим, бир томондан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини, иккинчи томондан, кредиторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳам етарли даражада ҳимояланишини таъминлайди.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва зарурати ҳақида алоҳида тўхталиб, ундаги айрим нормалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини билдирди. Ушбу ҳужжат аҳолига кўрсатиладиган давлат хизматларини янада содда ва қулай қилишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ишончли таъминлашга ҳисса қўшишини таъкидлашди.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қизғин баҳсларга сабаб масала

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги масала — шаҳарсозлик соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасини тизимли ислоҳ қилиш, урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, қурилиш ишларини рақамлаштириш, бош режалар асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда қурилиш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Шаҳарсозлик кодекси ва “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, шаҳарсозлик талабларини қўпол равишда бузганлик, яъни ноқонуний қурилишларни амалга ошириш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини бош режа, мастер-режа ва қурилиш лойиҳаси талабларини бузган ҳолда бажариш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳажмдан катта бўлган иморатлар, бино ва иншоотларни ваколатли органни хабардор этмасдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда. Соҳада Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитасининг шаҳарларни комплекс ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар, таклиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Зуҳриддин Мавлонов ҳужжатда назарда тутилган айрим молиявий санкциялар жуда юқори эканига эътироз билдирди.

Зуҳриддин МАВЛОНОВ,
депутат:



— Шаҳарсозлик қоидаларини бузганлик учун амалда маъмурий жавобгарлик белгиланган. Қонун лойиҳасида эса бундан ташқари, қўшимча молиявий санкциялар жорий этиш таклиф қилинмоқда. Ноқонуний қурилишларга қарши қатъий чора кўриш керак. Бироқ қўлланиладиган жазо ҳуқуқбузарлик даражасига мутаносиб бўлиши зарур. Амалдаги қонунчиликда бундай ҳолатлар учун жавобгарлик мавжуд. Шу боис йирик миқдордаги қўшимча молиявий санкцияларни жорий этиш ва уларни суд қарорисиз ундириш масаласини тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини инобатга олган ҳолда яна бир бор пухта кўриб чиқиш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Анвархон Темиров уй-жой соҳасидаги электрон платформага маълумотларни нотўғри киритиш ёки белгиланган маълумотларни ўз вақтида жойлаштирмаслик ҳолатлари учун молиявий санкциялар жорий этиш таклифига алоҳида эътибор қаратди.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шаҳарсозлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ноқонуний қурилишларни қисқартириш, қурилиш бозорида ҳалол рақобат муҳитини таъминлаш, ер ва кўчмас мулк ресурсларидан самарали фойдаланишга асос яратиши таъкидланди.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси:



— Қонун лойиҳаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани табиий ҳол. Чунки унда жамият манфаатларига бевосита дахлдор муҳим масалалар ўрин олган. Мунозаралар жараёнида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар лойиҳани янада такомиллаштиришга қаратилган. Унинг қабул қилиниши эса фуқароларнинг кўп квартирали уйлар қурилишига йўналтирилаётган маблағларини ҳимоялаш ҳамда аҳоли учун урбанизация тамойиллари асосида хавфсиз ва замонавий шаҳар муҳитини шакллантиришга ҳуқуқий замин яратади.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Санъат мактабларида таълим сифати ва шароитлар қандай?

Мажлисда маданият вазири О. Назарбековга “Болалар мусиқа, санъат ва ихтисослаштирилган мактабларидаги таълим сифатини ошириш, уларнинг зарур жиҳозлар билан таъминланиш ҳолати тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, болалар мусиқа ва санъат таълими тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан ҳудудларда ўтказилган ўрганишлар ҳамда таълим муассасалари бўйича маълумотлар таҳлили соҳада ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Жумладан, Термиз, Фарғона, Урганч, Самарқанд, Навоий шаҳарларидаги ихтисослаштирилган санъат мактаблари, Андижон шаҳридаги Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактаби, Тошкент шаҳридаги Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамда бошқа қатор муассасалар бинолари капитал таъмирга муҳтожлиги аниқланди.

Президентимизнинг 2020 йил 4 февралдаги қарорида 2021/2022 ўқув йилидан Бухоро, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида Ўзбекистон давлат хореография академияси ҳузурида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатларини ташкил этиш вазифаси белгиланганига қарамай мазкур вазифа тўлиқ бажарилмаган. Шунингдек, Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаби учун Бухоро шаҳридаги “Бунёдкор” МФЙ ҳудудидан бир гектар ер майдони ажратилган ва 43 млрд. сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган бўлса-да, маблағ йўналтирилмагани сабабли қурилиш ишлари бошланмаган.

Баъзи мусиқа ва санъат таълим муассасаларида ўқувчилар сони биноларнинг лойиҳа қувватидан юқори экани ўқув муҳитини яратиш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим мусиқа ва санъат мактабларида машғулот хоналарининг акустик ҳолати талаб даражасида эмаслиги, махсус синф хоналарининг ва концерт залларининг етишмаслиги муаммоси мавжуд.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, санъат таълими муассасаларини зарур жиҳозлар ва ўқув-услубий воситалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув сифатини ва кадрлар салоҳиятини ошириш, педагогларнинг малакасини бойитиш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда мактаб-интернатларни тарбиячилар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида маданият вазирига парламент сўрови юборилди.

Парламент сўровига жавоб кўриб чиқилди

Депутатлар Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси А. Абдуҳакимовнинг “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровига жавобини кўриб чиқди.

Унда қайд этилишича, концепция ижросини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари, маҳаллалар, давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим ташкилотларида болаларда табиатни асраб-авайлаш ва экологик тафаккурни ривожлантиришга қаратилган мавзулар ва амалий машғулотлар ўтиш кенгайтирилди.



Тарбияланувчиларнинг қўл меҳнати буюмлари, чизмалари ва табиий материаллардан тайёрланган ижодий ишлари асосида “Экологик бурчаклар”, “Экологик йўлакчалар” ташкил этилди. Уларда олиб борилаётган машғулотлар, кузатув ишлари ва сайрлар давомида тарбияланувчиларга атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида дастлабки тушунчалар бериш тизимли йўлга қўйилди. Экологик таълим-тарбияни шакллантиришга қаратилган тадбирлар билан эса 7000 га яқин мактабгача таълим ташкилотларидаги 1,6 млн. нафардан ортиқ тарбияланувчилар қамраб олинди.

Юртимиздаги 10 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари ўртасида экологик таълим-тарбияни тубдан мустаҳкамлаш ва экологик маданиятни юксалтириш мақсадида “Табиатни асрашда менинг ҳиссам” туркумидаги тадбирлар ташкил этилди. Мазкур ташаббус доирасидаги амалий ва тарғибот тадбирларига эса 1 млн. 650 минг нафарга яқин ўқувчилар жалб қилинди.

2025/2026 ўқув йили учун тегишли касбий таълим йўналишларига мос касбларда Амалий экология, Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, Экология ҳуқуқи ва бошқаруви, Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар экологияси фанлари жорий этилган. Шунингдек, 200 тадан ортиқ олий таълим муассасалари талабаларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи “Ўзбекистон эковолонтёр талабалар ҳаракати” тузилган.

Касбий ва олий таълим муассасаларида “Яшил қаҳрамон”, “Яшил макон”, “Ўзбекистон эковолонтёр талабалар ҳаракати” каби лойиҳалар амалга оширилиб, экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган янги ташаббуслар йўлга қўйилган. Шунингдек, 4500 дан зиёд маҳаллаларда “Маҳаллани чиқиндидан холи ҳудудга айлантирамиз” мавзуида акциялар, экологияга оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етказишга оид тарғибот тадбирлари, қонун ҳужжатларининг ҳар қандай бузилишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ташвиқот тадбирлари ўтказилган.

Парламент сўровига жавобда аҳоли ўртасида экологик маданиятни кенг тарғиб қилиш, давлат хизматчилари ва мутахассислар малакасини ошириш, халқаро экологик тадбирлар ва кўргазмаларни ташкил этиш, маҳаллаларда экологик тарғибот ишларини кучайтириш ҳамда экологик қонунчилик ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилган.

Мажлисда депутатлар томонидан концепцияда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишни жадаллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини янги замонавий усуллар асосида уддалаш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш йўналишида давлат органлари ҳамда масъул ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мазкур концепцияда 2030 йилгача аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, унинг ижроси парламентнинг доимий назоратида бўлиши қайд этилди.

Мажлисда парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар берилгани таъкидланиб, қўмита раисининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

«Битирувчи — 2026»

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР ОСТОНАСИДАГИ ЁШЛАР

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида бўлиб ўтган Халқаро Нордик университетининг “Битирувчи — 2026” тантанали маросимида касбий салоҳият ва меҳнат иштиёқи юқори битирувчилар катта ҳаётга йўл олишди. Бу анжуман 2 200 нафардан ортиқ бакалавриат ҳамда магистратура битирувчилари учун янги ва масъулиятли давр бошланаётганининг рамзий ифодаси бўлди.



Бугунги глобаллашув шароитида таълим сиёсатининг марказида айнан инсон, унинг билим ва салоҳияти, муносиб касб эгаллаши ҳамда жамиятда фаол позицияга эга бўлиши масаласи турибди. Юртимиз олий таълим муассасаларидаги каби Халқаро Нордик университетидаги битирув маросими ҳам ана шу жараённинг кичик, аммо мазмунли кўриниши сифатида намоён бўлди.

Тантанали маросимда Олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари вакиллари, университет ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Шерзод Мустафоқулов ўз табрикларида замонавий дунёда ҳақиқий муваффақият узлуксиз таълим, инновацион фикрлаш, касбий компетенция ва халқаро тажриба билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Бу фикр бугунги меҳнат бозори талабларидан келиб чиқадиган муҳим ҳақиқатни англатади. Чунки бирор касбни эгаллаб, шу билим билан бутун меҳнат фаолияти давомида яшаш даври ортда қолмоқда. Технологиялар, касблар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шакллари тез ўзгараётган бир пайтда мутахассисдан “ўқишни тугатиш” эмас, “ўқишни давом эттириш” қобилияти талаб этилади.

Шунинг учун ҳам битирувчи учун диплом янги билимлар, янги касбий тажриба ва янги имкониятлар сари йўл очадиган ҳужжатдир.

Тадбир давомида “Graduation Ceremony — 2026”да бакалавриат ва магистратурани муваффақиятли тамомлаган ёшларнинг меҳнатлари эътироф этилди. Улар орасида таълим, иқтисодиёт, молия, IT, журналистика, психология, педагогика, туризм ва бошқа йўналишларда билим олган ёшлар бор. Ҳар бир диплом ортида бир неча йиллик меҳнат, имтиҳонлар, изланишлар, кечки тайёргарликлар, илмий ишлар, амалий машғулотлар ва албатта, ота-оналар ҳамда устозларнинг ишончи турибди.

Битирувчилар билан кечган суҳбатларда ҳам айнан шу жиҳат сезилади: университет йиллари улар учун фақат аудиториядаги машғулотлардан иборат бўлмаган. Талабалик даврида халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, янги муҳитда ўзини синаб кўриш, жамоа билан ишлаш, турли тадбир ва ташаббусларда фаол бўлиш, илмий изланиш олиб бориш — буларнинг барчаси ёшларнинг касбий ва шахсий компетенциясини шакллантирувчи муҳим омиллардир.

Диплом топшириш жараёнида битирувчилар саҳнага чиққан пайтда уларнинг юзидаги қувонч ортида ота-оналарнинг ҳам ҳаяжони сезилиб турди. Чунки олий маълумот олиш фақат талабанинг эмас, бутун оиланинг узоқ муддатли меҳнати ва ишончини талаб қиладиган жараён. Шу сабабли битирув маросими ота-оналар учун ҳам фарзандининг катта ҳаётга қадам қўяётганини кўриш имконини берган унутилмас кун бўлди.

Профессор-ўқитувчилар учун эса бу — ўз шогирдларининг мустақил ҳаёт сари отланаётганини кўриш бахти. Университетдаги йиллар давомида талабалар кўплаб фанларни ўрганди. Айниқса, устозлардан олинган масъулият ҳисси, вақтни қадрлаш, хатолардан хулоса чиқариш, изланиш ва ҳалол меҳнат қилиш кўникмалари битирувчининг кейинги ҳаётида ҳам ҳамроҳ бўлади. Шу боис университет битирувчилари билан бирга устозларнинг меҳнатлари ҳам эътироф этилди.

Тантанали маросимнинг бадиий қисми ҳам даврага алоҳида руҳ бағишлади. Таниқли хонандаларнинг чиқишлари битирувчиларнинг байрам кайфиятини янада оширди. Университет мадҳиясининг барча иштирокчилар томонидан биргаликда ижро этилиши, қизғин мушакбозлик маросимнинг энг ёрқин лаҳзаларидан бирига айланди.

«Халқ сўзи».

Солиқ қўмитаси томонидан харид чекларини смартфон ёрдамида соддалаштирилган шаклда кўриш имконияти яратилди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 12 август

ТАФАККУР ВА ТАРИХ ТУТАШГАН НУҚТА

1 Самарқанднинг бугунги қиёфаси ҳақида ёза туриб, унинг тарихий хотираси ва цивилизацион мақомига мурожаат қилади. Самарқандни ободонлаштириш унинг тарихий шавкатини тиклаш билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Демак, муаллиф учун ободонлик — мақсаднинг ўзи эмас. У — ўзликни тиклашнинг ташқи белгиси.

Бир китоб, бир савол

Асарнинг моҳиятига назар ташласак, бунёдкорлик ва шаҳарсозликни, давлат раҳбарининг халқ билан мулоқотини ва миллий ўзлик, тарихий хотира, Марказий Осиё муносабатлари, давлатчилик ёки дунёда Ўзбекистонга нисбатан ўзгарган муносабатларни кўрамиз.

Бир қарашда уларни бир-биридан узоқ мавзулар, деб ўйлаш мумкин. Аммо китобни ўқиганда, уларнинг тубида битта катта савол борлиги сезилади: “Янги Ўзбекистон” деганда биз нимани тушунамиз?

Мазкур саволга жавоб фақат янги бинолар ёки иқтисодий кўрсаткичлардан изланмайди. Муаллифнинг талқинида “Янги Ўзбекистон”, аввало, инсоннинг ўзини бошқача ҳис қилиши, ўз мамлакатига, тарихига, давлатига ҳамда ўз келажагига бошқача муносабатда бўлиши билан боғлиқ жараёндир.

Муаллифнинг қарашларида давлат раҳбарининг образи ислоҳотлардан ажралган тарзда эмас, бир бутун ҳолда намоён бўлади. Китобнинг умумий ғояси айнан шу йўсинда талқин қилинган: ислоҳотлар инсоннинг қадр-қиммати, турмуши ва келажакка ишончида намоён бўлиши керак.

Бу ерда муҳим бир жиҳат бор. Сиёсий публицистикада раҳбар ҳақида ёзиш — фақат унинг фаолиятини санаб бериш эмас. Раҳбар шахси орқали даврнинг ўзига назар ташлаш ҳамдир. Муаллиф айнан шу усулни танлайди. Китобда мамлакатимиз етакчисининг турли йилларда айтган фикрлари, турли ҳудудлардаги фаолияти, фидойилиги, одамлар билан мулоқоти ва мамлакат ҳаётидаги ўзгаришларга муносабатига мурожаат қилинади.

Муаллиф учун бундай мисоллар шунчаки иллюстрация эмас. Улар орқали раҳбар шахсининг шаклланиш жараёни очиб берилади. Яъни бугунги сиёсатчини фақат ҳозирги лавозими билан эмас, кечаги ҳаёт йўли билан ҳам тушуниш мумкин, деган фикр илгари сурилади. Бу нуқтаи назарни китобнинг сарлавҳаси ҳам кучайтиради.

“МИЛЛАТ ШАВКАТИ” — бир қарашда икки тушунчанинг уйғунлашувидек туюлади. Бир томонда — миллатнинг шавкати, унинг тарихий қудрати, шаъни ва обрўси. Иккинчи томонда эса давлат раҳбарининг шахсияти.

Расмий матбуотда китоб сарлавҳасининг шу кўп қиррали маъносига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас: уни “миллатнинг шавкати ёки “миллатнинг шавкатли ўғли” тарзида талқин қилиш мумкинлиги қайд этилган. Сарлавҳанинг ўзидаёқ китобнинг концептуал калити яширинган, десак, муболаға бўлмайди.

Миллий ғурур — баландпарвоз шиор эмас

Тарихий асарда эътиборни тортадиган яна бир йўналиш — миллий ғурур масаласи. Бу мавзу бугун жуда муҳим. Чунки глобаллашув даврида ўзликни сақлаш билан дунёга очиқ бўлиш ўртасида мувозанат топиш ҳар қандай мамлакат учун осон эмас. Ўзлигини унутган жамиятнинг ўз тараққиёт стратегияси бўлиши қийин.

Дунёдан узилиб қолган жамият замонавий тараққиётда ўз ўрнини топа олмайди. Шу боис миллий ғурурни ўтмиш билан фахрланишнинг ўзигагина тенглаштириш нотўғри бўлар эди. Ҳақиқий миллий ғурур — тарихни билиш, бугунни қадрлаш ва келажак учун масъулиятни ҳис қилиш.

Китобни ўқиганда яна бир жиҳат кўзга ташланади: муаллиф кечаги кунни бугунги куннинг муқобили сифатида эмас, балки уни англаш учун зарур бўлган тажриба сифатида кўради. Бу жуда муҳим ёндашув. Зеро, инсон хотираси ғалати: қийинчиликлар унутилади, қулайликлар эса тезда одатга айланади. Кеча навбатда туриб ҳал қилинган иш бугун электрон хизмат орқали бир неча дақиқада битса, унинг қадрини ҳис этмай қўйишимиз мумкин.

Кеча хорижга чиқиш, валюта айирбошлаш, тадбиркорлик, ахборот олиш ёки давлат идораси билан мулоқотдаги айрим тўсиқлар оддий ҳаётнинг “табиий” қисмидай қабул қилинган бўлса, бугун уларнинг бартараф этилиши ҳам тезда одатий ҳолга айланди. Аслида эса жамиятдаги ҳар бир ўзгариш ортида муайян сиёсий қарор, институтционал ислоҳот, одамларнинг меҳнати ва катта масъулият ётади.

“МИЛЛАТ ШАВКАТИ” атрофида кейинги ойларда эълон қилинган таҳлилий материалларда ҳам айнан шу жиҳатга урғу берилмоқда: инсон кечаги қийинчиликларни тез унутиб, бугунги қулайликларга тез кўникади.

Аслида, жамиятга танқид ҳам керак, эътироф ҳам. Аммо эътирофсиз танқид — норозиликка, танқидсиз эътироф эса хотиржамликка айланиб қолиши мумкин. Публицистиканинг вазифаси эса, эҳтимол, ана шу икки қутб ўртасида соғлом фикр майдонини яратишдир.

Муаллифнинг содда ва равон ёзиш маҳорати кўп тилга олинади. Бу ҳақиқат. Лекин масаланинг яна бир муҳим томони бор: содда ёзиш — содда фикрлаш дегани эмас. Аксинча, мураккаб фикрни оддий тилда тушунтира олишнинг ўзи муайян интеллектуал тайёргарликни талаб қилади. Китобда сиёсий, тарихий ва геосиёсий масалаларнинг ўқувчига оғирлик қилмайдиган услубда баён этилиши шу жиҳатдан аҳамиятли.

Асарда муаллиф Марказий Осиё муносабатлари, Туркий давлатлар ташкилоти, миллий ўзлик, тарихий хотира каби жиддий мавзуларни тушунарли ва ўқишли услубда ёритишга алоҳида аҳамият қаратган. Шу ерда китобнинг яна бир қимматли жиҳати намоён бўлади. У фақат сиёсат ишқибозлари учун эмас, мамлакатимизда кечаётган жараёнларни тушунишни истаган ҳар қандай ўқувчи учун қизиқарли асар вазифасини ўтайди.

Бугунги ўзгаришларнинг давомчиси ким?

Китобни ўқиб, беихтиёр бир савол туғилади. Хўш, бугунги ўзгаришларнинг давомчиси ким?

> *Асарда муаллиф Марказий Осиё муносабатлари, Туркий давлатлар ташкилоти, миллий ўзлик, тарихий хотира каби жиддий мавзуларни тушунарли ва ўқишли услубда ёритишга алоҳида аҳамият қаратган. Шу ерда китобнинг яна бир қимматли жиҳати намоён бўлади. У фақат сиёсат ишқибозлари учун эмас, мамлакатимизда кечаётган жараёнларни тушунишни истаган ҳар қандай ўқувчи учун қизиқарли асар вазифасини ўтайди.*

Жавоб, назаримизда, фақат давлат ёки давлат раҳбари эмас, жамиятнинг ўзи. Ислоҳотларнинг умри қонунлар, қарорлар ва дастурлар билан чекланиб қолмайди. Улар одамларнинг онгига кириб боргандагина барқарор натижа беради. Янги мактаб қуриш мумкин, аммо янги фикрлайдиган авлодни тарбиялаш — ундан кўра мураккаброқ вазифа. Янги шаҳар барпо этиш мумкин. Янги шаҳар маданиятини шакллантириш — бошқа масала. Янги қонун қабул қилиш мумкин, аммо қонунга ҳурматни инсоннинг ички эҳтиёжига айлантириш — янада катта вазифа.

Шу маънода, асардаги энг катта ғоялардан бири бунёдкорликдан тафаккурга, тафаккурдан масъулиятга, масъулиятдан эса миллий юксалишга ўтиш заруратидир. Бу жараёнда давлат раҳбари, давлат институтлари, зиёлилар, оммавий ахборот воситалари ва ниҳоят, ҳар бир фуқаронинг ўз ўрни бор.

Тарих китоб эмас — масъулият. Китобда Самарқанд, Амир Темур, миллий рамзлар, Ўзбекистоннинг дунёдаги обрўси каби мавзуларнинг бир-бирига уйғун ёритилиши бежиз эмас. Чунки миллат ўзлигини фақат ўтмишидан эмас, ўтмишига бугун қандай муносабатда бўлаётганидан ҳам англайди.

Шу нуқтаи назардан, асардаги тарихга мурожаатни ўтмиш билан фахрланишнинг ўзи, деб тушуниш камлик қилади. Бу тарихий хотирани бугунги тараққиётнинг маънавий капиталига айлантиришга уриниш. Асар моҳияти ҳам айнан шундан — ўзининг кимлигини англашдан, тарихини билиш ва бугунги имкониятларини қадрлаш, эртанги кун олдидаги масъулиятини ҳис қилишдан бошланади, десак, айни ҳақиқат.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

СОҒЛОМ МИЛЛАТ — КУЧЛИ ДАВЛАТ, ФАРОВОН ЖАМИЯТ ДЕМАК

1 Эски автоуловлар босқичма-босқич замон талабларига мос, барча реанимацион ускуналар билан жиҳозланган — “Hyundai”, “Ford”, “Toyota” ва “Volkswagen” русумли реанимобилларга алмаштирилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган тизимли комплекс дастурлар амалга оширилди. Республикамизнинг барча ҳудудида замонавий скрининг марказлари ташкил этилди. Ҳомиладор аёллар ва болаларни бепул поливитаминлар, йод ва фолий кислотаси маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Натижада сўнгги йилларда гўдаклар ўлими кўрсаткичи ҳар мингтага нисбатан 7-8 тагача, оналар ўлими эса 13-14 тагача кескин пасайди. Бу Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши кўрсаткичдир.

Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли Янги Ўзбекистонда илгари имконсиз бўлган орган трансплантацияси — буйрак, жигар ва илик кўчириш қонуний ҳамда тўлиқ амалий йўлга қўйилди. Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва вилоятлардаги марказларда ҳозиргача юзлаб буйрак ҳамда жигар кўчириб ўтказиш амалиётлари муваффақиятли бажарилди. Мураккаб кардиохирургия (очиқ юракдаги операциялар) ва онкологик даволаш жараёнлари эндиликда фақат Тошкентда эмас, балки деярли барча ҳудудларда уддаланмоқда.

Республикада фаолият юритаётган илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларининг мамлакатимиз ҳудудларида очилиши мутахассисларнинг жойларда мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариши учун шароитлар яратди. Бугун ҳатто туман шифохоналарида ҳам ангиография, маммография, вилоят марказларида томирларни стентлаш операцияларининг бажарилиши оддий кунлик амалиётга айланди, қисқача айтганда, тиббиёт хизматлари аҳолига яқинлаштирилди. Дунёда ноёб ҳисобланадиган операциялар ҳам бажарилмоқда. Масалан, Сиам эгизакларини ажратиш, эшитиши туғма заиф болаларга кохлеар имплантация амалиётлари бугунги кунда кўплаб фарзандларнинг тўлиқ ногиронликдан халос бўлишига хизмат қилмоқда.

Саломатлик кафолати

Соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва коррупцияга чек қўйиш мақсадида тизимли ислоҳотлар олиб борилди. Сирдарё вилоятида пилот лойиҳа сифатида муваффақиятли синовдан ўтказилган Давлат тиббий суғурта тизими республика бўйлаб босқичма-босқич жорий этилмоқда. Беморларга бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситаларининг кафолатланган пакети ҳаётга татбиқ қилинди. Давлат бюджети маблағлари эндиликда “муассасани сақлаш учун” эмас, балки улар даволаган ҳар бир бемор учун тўлаб берилмоқда. Бу муассасалар ўртасида соғлом рақобатни юзага келтирди.

Эндиликда давлат томонидан қайси тиббий хизматлар ва дори-дармонлар бепул берилиши аниқ ва шаффоф белгилаб қўйилади. Бемор ўзига нима бепул ва қайси хизмат пуллик эканини аниқ билади. Оилавий шифокор томонидан ёзиб берилган сурункали касалликлар бўйича



рецепт асосида дорихоналардан зарур дориларни бепул (давлат ҳисобидан) олади.

Суғурта тизими аҳолига нафақат давлат шифохонасига, балки суғурта тизимига уланган хусусий клиникаларга ҳам бепул (давлат суғуртаси ҳисобидан) мурожаат қилиш имконини беради. Бемор туман, вилоят ёки республика шифохонасига бориш учун “ордер” ёки таниш-билиш қидириб юрмайди. Оилавий шифокор йўлланмаси кифоя — суғурта харажатни қоплайди. Илгари шифохоналарга пул “койка-кун” (ўринжой) ёки бинони сақлаб туриш учун ажратилган бўлса, энди маблағ бевосита даволанган бемор сони ва кўрсатилган хизмат сифатига қараб тўлаб берилади. Тиббий хизматлар нархи ва харажатлари Давлат тиббий суғурта жамғармаси томонидан тўлиқ ва шаффоф қоплаб берилгани сабабли беморлардан норасмий пул талаб қилиш омили кескин камаяди. Барча жараёнлар “E-Sog‘liqni saqlash” ва электрон рецепт тизимлари орқали ўтгани боис “сохта беморлар” ёки сохта рецептлар орқали бюджет пулларини ўзлаштириш имконсиз бўлади.

Ислоҳотларнинг янги босқичи

Сўнгги йилларда ушбу стратегик соҳага эътибор ва ёндашув тубдан ўзгарди. Бунинг яққол амалий ифодаси сифатида Давлат бюджетидан тиббиёт соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми 6 карра оширилганини таъкидлаш лозим.

Маблағларнинг кескин кўпайтирилиши соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замон талабларига мос инфратузилма яратиш ва кадрлар салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Илгари фақат пойтахтдаги марказий клиникаларда кўрсатилган 400 дан зиёд юқори технологик тиббий хизматлар ҳозирда вилоят ва туман марказларининг ўзида муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу аҳолининг вақти ва маблағи тежалишига, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинишига олиб келди.

Халқаро илғор тажрибалар асосида қисқа муддатда ҳудудларда 490 та тиббиёт муассасаси қайта ташкил этилди. Натижада аҳолига манзилли ва тезкор хизмат кўрсатувчи, юридик мақомга эга 350 та мустақил оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилди. Амалга оширилган тизимли чора-тадбирларнинг энг муҳим ва холис индикатори бу — демографик кўрсаткичлар ва оналар



ҳамда болалар саломатлигидаги ижобий ўзгаришлардир.

2017 йилдан буён олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида оналар ва гўдаклар ўлими кескин камайди. Бу рақамлар ортида оилалар бахти ва тиббиёт тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани ётибди.

Замонавий тиббиётни рақамли технологиялар ва сунъий интеллектсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўтаётган йил бу борада ҳақиқий технологик бурилиш йили бўлди. Робот технологиялари илк бор давлат тиббиёт муассасаларига кириб келди. 36 миллиондан ортиқ аҳолининг тиббий базаси яратилди. 43 турдаги тиббий текширув ва муолажалар AI орқали бажарилмоқда. Тез ёрдам (103) чақириқларини электрон бошқариш ва GPS мувофиқлаштируви жорий қилинди. Бу эса манзилга етиб бориш вақтини сезиларли даражада қисқартирди. Вазирлик тизимида “Рақамли соғлиқни сақлаш” маркази очилиб, “DMED” ягона электрон ахборот платформаси ишга туширилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат ва хусусий сектор ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилгани хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Ўтган 10 йил давомида мамлакатимизда хусусий клиникалар сони 3,5 мингтадан 9 мингтага, улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари эса 50 тадан қарийб 130 тага етди.

Маҳаллий фармацевтика бозорида миллий маҳсулотлар улуши кескин ортди. 2017 йилдан буён маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 триллион сўмдан 6,3 триллион сўмга ўсди. Экспорт кўрсаткичлари эса 40 баробардан зиёд ортиб, 6,3 миллион доллардан 250 миллион долларга етди.

Тиббий таълим трансформацияси

Сифатли тиббиётнинг пойдевори юқори малакали ва замонавий билимга эга кадрлардир. Шу сабабли тиббий таълимни трансформация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавжуд учта олий ўқув юрти негизида Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди. Шунингдек, Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Тошкент давлат тиббиёт университети дунёнинг энг нуфузли “Times Higher Education” (THE) рейтингидан жой олди. Бугунги кунда олий-гоҳда дунёнинг 32 та мамлакатидан 3,5 минг хорижий талаба таълим олмоқда, қолаверса, йил сайин Ўзбекистонда таълим олиш истагини билдираётган талабалар сони кескин ортмоқда.

Мамлакатимиздаги 8 та тиббиёт олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди. Биргина 2025 йилнинг ўзида 300 нафарга яқин маҳаллий мутахассислар ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи клиникаларида ўз билим ва малакасини ошириб қайтди.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ушбу кенг қамровли ва фундаментал ислоҳотларнинг энг олий ва мужассамлашган натижаси аҳолимизнинг турмуш сифати яхшиланиб, ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайганида намоён бўлмоқда. Инсон умрининг узайиши — давлатнинг соғлиқни сақлаш, тинчлик, ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик соҳасида олиб бораётган тўғри ва оқилона сиёсатининг бебаҳо мевасидир. Бу тарихий муваффақиятлар ортида кечаю кундуз ўз касби ва хизмат вазифасига содиқ ҳолда меҳнат қилаётган, халқ саломатлиги посбони бўлган заҳматкаш шифокор ва тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссаси ётибди.

Истиқлолимизнинг 35 йиллиги тиббиёт соҳаси учун ҳақиқий муваффақият даври сифатида тариҳдан жой олмоқда. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар туфайли тиббиёт аҳолига, ҳар бир маҳаллага яқинлашди. Инновацион трансплантология, юқори технологик хирургия ва рақамлашган суғурта тизими ўзбек тиббиётини дунё стандартлари даражасига олиб чиқяпти. Энг муҳими, соғлом ва баркамол аҳоли Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлидаги энг мустаҳкам, бебаҳо ҳамда абадий бойлиги сифатида қадр топди. Буларнинг барчаси халқимиз учун истиқлол чинакам бахтимиз қомусига айланганининг яққол ифодасидир.

Шуҳрат БОЙМУРОДОВ,
Тошкент давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ЭКСПОРТБОП ҚОВУН ВА ФИТОСАНИТАРИЯ

Мирзачўл воҳаси қовунлари Европанинг турли мамлакатларида дунёнинг энг яхши полиз маҳсулотлари қаторида сотилмоқда. Бунда, албатта, хорижий бозорлар талабларига мос қовунлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим омиллардан бири бўлмоқда.

Имконият

Эътироф этиш лозимки, бу борада Сирдарё вилояти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг фитосанитар назорати инспекторлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам юқори самара бермоқда.

— Қовунларни экспортбоп қилиб етиштириш уларнинг нави ва уруғини танлашдан бошланади, — дейди бошқарманинг ташқи карантин бўйича бош мутахассиси Арслон Эргашев. — Айни масалада ҳам мутахассисларимиз томонидан деҳқонларга амалий ёрдам, тавсиялар бериб келиняпти, бевосита полиз ўсимликлари экилиши мўлжалланган майдонларда ва сўнгра экин парвариши даврида фитосанитар назорати ташкил этиляпти. Шу аснода фитосанитар назорати давлат инспекторлари етиштирилаётган қовун маҳсулотларида учрайдиган зараркунанда ҳашарот ва касалликларга қарши курашиш бўйича деҳқон ва фермерларга ўз вақтида кенг кўламда тавсиялар беради. Бу эса деҳқоннинг кутилган ҳосил — экспортбоп қовунлар етиштиришга катта кўмак бўлади.



Маълум қилинишича, Сирдарё вилояти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг фитосанитар назорати инспекторлари томонидан жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида вилоятда етиштирилаётган қовунлар учун 97 та ички фитосанитария сертификати берилди. Натижада 1780 тоннадан зиёд қовунлар турли хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Туризм қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида жорий йилнинг 21-22 август кунлари Паркент туманининг Заркент қишлоғида «Узум сайли» фестивали ўтказилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6